

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2024 йил январь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида шаҳар судининг судьяси Я.Эрматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Махаматханинг котиблигида, давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдумажидов, судланувчи У.Ножиллаев ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Садиков, фуқаровий даъвогарлар М.Мамадалиев ва Ж.Бойдадаевлар иштирокида, Ножиллаев Улуғбек Жобирхон ўғлига оид 1-1601-2307/1638-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

Судланувчи Ножиллаев Улуғбек Жобирхон ўғли, 21.09.1983 йилда Наманган шаҳарда туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, маълумоти олий, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган: 23.01.2017 йилда жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми ЖКнинг 59-моддаси тартибида 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 19.02.2018 йилда жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг ажрими билан ЖКнинг 74-моддаси тартибида ўталмай қолган 1 йил 1 ой 9 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 16.08.2018 йилда жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг ажримига асосан ЖКнинг 73-моддаси тартибида ўталмай қолган 1 йил 7 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Наманган шаҳар, Давлатобод тумани, “Элобод” МФЙ, Файзобод кўчаси, 100-уйда истиқомат



қилган, иш бўйича қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, 02.11.2023 йилдан буён қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини 04.01.2024 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси
3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси
3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафлар музокараси ва судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи У.Ножиллаев “Rancho MSS” хусусий корхонасида ҳисобчи, “Hadya Plast Servis” МЧЖ ва “Sabr Trade-MSS” МЧЖларда норасмий ҳисобчи вазифасида ишлаб келиб, ўзганинг мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торој қилиш мақсадида, “Rancho MSS” хусусий корхонаси, “Hadya Plast Servis” МЧЖ, “Sabr Trade-MSS” МЧЖ раҳбар ва таъсисчиларининг хабардорлигисиз, 01.02.2021 йилдан 07.07.2023 йилга қадар “Hadya Plast Servis” МЧЖ ҳисоб-рақамидан 25.035,1 минг сўм, “Rancho MSS” хусусий корхонаси ҳисоб-рақамидан 42.000,0 минг сўм, “Sabr Trade-MSS” МЧЖ ҳисоб-рақамидан 23.453,0 минг сўм, ўзига ишониб топширилган 90.488,1 минг сўм пул маблағларини ушбу жамиятда ишламайдиган фуқаролар Абдужаббарова Дурдонахон Сирожиддин қизи, Абдужаббарова Дилшода Сирожиддин қизи, Воҳидова Дилфуза Абдугаппаровна ва Зияева Нигора Турдалиевналарнинг номига банк пластик карталарини очишга эришиб, ушбу банк пластик карталарига пул маблағларини иш ҳақи сифатида тушириб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи У.Ножиллаев жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “Rancho MSS” хусусий корхонасининг раҳбар ёки таъсисчилари томонидан унга ҳеч қандай бошқарув ҳуқуқи берилмаган бўлсада, 18.02.2020 йилда ўзини мазкур хусусий корхона раҳбари этиб тайинлаб, барча ҳужжатларда имзо қўйиш ҳуқуқи берилгани ҳақидаги наси ва рақами ёзилмаган қўлёзма буйруқни тайёрлаб, га сохта маълумотлар киритиб, ўзини хусусий корхона



рахбари сифатида кўрсатиб, уни хусусий корхона муҳри билан тасдиқлаб, мазкур буйруқнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни “Туронбанк” АТБ Наманган филиалига тақдим қилиб, ўзининг номига 11.04.2023 йилда №0758655-рақамли нақд пул чекини ёзиб 98.500.000 сўм, 01.05.2023 йилда №0758656-рақамли нақд пул чекини ёзиб 30.000.000 сўм, жами 128.500.000 сўм нақд пул маблағларини хусусий корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамидан олиб кетиб, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жами 218.988.0000 сўм жуда кўп миқдордаги пул маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Бундан ташқари, судланувчи У.Ножиллаев “Nadya Plast Servis” МЧЖ таъсисчиси М.Мамадалиевдан пул олиш мақсадида, ўзи фойдаланиш мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси номидан “Nadya Plast Servis” МЧЖнинг солиқ ҳисоботларида 244.370,2 минг сўм тофовут ва хатолар мавжудлиги ҳақидаги 14.04.2023 йилдаги 01-12959-сонли сохта хабарномани тайёрлаб, ушбу расмий ҳужжатни қалбакилаштириб, жамият таъсисчиси М.Мамадалиевга тақдим этган.

Судланувчи У.Ножиллаев суд мажлисида айбига тўлиқ иқrorлигини билдириб, 2020 йил сентябрь ойидан бошлаб “Nadya Plast Servis” МЧЖда ёлланма ҳисобчи вазифасида, “Rancho MSS” хусусий корхонаси ва “Sabr Trade-MSS” хусусий корхоналарида ҳам норасмий бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келганини, унинг вазифаларига солиқ ҳисоботларини тузиб, ДСИ органларига юбориш, жамият ва унинг раҳбарларига алоқадор бухгалтерия хизматларини бажариш вазифалари кирганини, “Rancho MSS” хусусий корхонасида ҳисобчи, “Nadya Plast Servis” МЧЖ ва “Sabr Trade-MSS” МЧЖларда норасмий ҳисобчи вазифасида ишлаб, “Rancho MSS” хусусий корхонаси, “Nadya Plast Servis” МЧЖ, “Sabr Trade-MSS” МЧЖ раҳбар ва таъсисчиларининг хабардорлигисиз 01.02.2021 йилдан 07.07.2023 йилга қадар “Nadya Plast Servis” МЧЖ ҳисоб-рақамидан 25.035,1 минг сўм, “Rancho MSS” хусусий корхонаси ҳисоб-рақамидан 42.000,0 минг сўм, “Sabr Trade-MSS” МЧЖ ҳисоб-рақамидан 23.453,0 минг сўм, жами 90.488,1 минг сўм пул маблағларини ушбу жамиятда ишламайдиган фуқаролар Абдужаббарова Дурдонахон Сирожиддин қизи, Абдужаббарова Дилшода Сирожиддин қизи, Вохидова Дилфуза Абдугаппаровна ва Зияева Нигора Турдалиевналарнинг номига уларнинг хабарисиз банк пластик карталарини очиб, ушбу пластик карталарга иш ҳақи сифатида тушириб, пул маблағларини шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборганини, бундан ташқари “Nadya Plast Servis” МЧЖ таъсисчиси М.Мамадалиевдан пул



олиш мақсадида, Наманган вилоят солиқ бошқармаси номидан “Hadya Plast Servis” МЧЖнинг солиқ ҳисоботларида 244.370,2 минг сўм тофовут ва хатолар мавжудлиги ҳақидаги 14.04.2023 йилдаги 01-12959-сонли хабарномани тайёрлаб, жамият таъсисчиси М.Мамадалиевга тақдим қилганини, бундан ташқари “Rancho MSS” хусусий корхонаси раҳбарларининг хабарисиз 18.02.2020 йилда ўзини хусусий корхона раҳбари этиб тайинлаш ва барча ҳужжатларда имзо қўйиш ҳуқуқи берилгани ҳақидаги сохта буйруқни ёзиб тайёрлаганини, хусусий корхона раҳбари сифатида ўзини ёзиб, ўзи имзо қўйиб, хусусий корхона муҳри билан тасдиқлаб, мазкур ҳужжатларни “Туронбанк” АТБ Наманган филиалига тақдим қилиб, ўзининг номига 11.04.2023 йилда №0758655-рақамли нақд пул чекини ёзиб 98.500.000 сўм, 01.05.2023 йилда №0758656-рақамли нақд пул чекини ёзиб 30.000.000 сўм, жами 128.500.000 сўм нақд пулларни хусусий корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамидан олиб чиқиб кетиб, пулларни шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборганини, содир қилган жинойтлари натижасида фуқаровий даъвогарларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мақсадида тергов органининг депозит ҳисоб рақамига 218.988.000 сўм пулларни топширганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини маълум қилиб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи У.Ножиллаевнинг айбига қисман иқроп бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари унинг айби қуйидаги далиллар билан исботланади.

Фуқаровий даъвогар М.Мамадалиев суд мажлисида, 2020 йил

20 июндан ҳозирги кунга қадар “Rancho MSS” хусусий корхонаси раҳбари, 2019 йил 20 июндан “Sabr Trade-MSS” хусусий корхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келаётганини, 2015 йил 3 апрелдан ҳозирги кунга қадар “Hadya Plast Servis” МЧЖ раҳбари лавозимида Бойдадаев Жалолиддин ишлаб келаётганини, судланувчи У.Ножиллаев 2020 йил сентябрь ойидан бошлаб “Hadya Plast Servis” МЧЖда ёлланма ҳисобчи вазифасида, “Rancho MSS” хусусий корхонаси ва “Sabr Trade-MSS” хусусий корхоналарида ҳам норасмий бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келганини, ДСИ томонидан ўтказилган текширишда “Rancho MSS” хусусий корхонаси ҳисобчиси У.Ножиллаев “Hadya Plast Servis” МЧЖ ва “Rancho MSS” хусусий корхонаси таъсисчиларининг хабардорлигисиз “Hadya Plast Servis” МЧЖ ҳисоб-рақамидан 01.02.2021 йилдан 07.07.2023 йилга қадар

.035,1 минг сўм, “Rancho MSS” хусусий корхонаси ҳисоб-рақамидан 42.000,0 минг сўм ҳамда “Sabr Trade-MSS” МЧЖ



ҳисоб-рақамидан

23.453,0 минг сўм, жами 90.488,0 минг сўм пул маблағларини ушбу жамиятда ишламайдиган 4 нафар фуқароларнинг банк пластик карталарига иш ҳақи сифатида тушириб, ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборилганлиги аниқланганини, бундан ташқари У.Ножиллаев 2023 йил 11 апрель ва 1 май кунлари “Rancho MSS” хусусий корхонаси таъсисчисининг хабардорлигисиз корхона ҳисоб-рақамидан 128.500,0 минг сўм маблағини нақд пул шаклида олиб, ўзига ишлатиб юборилганлиги аниқланганини, бундан ташқари У.Ножиллаев Наманган вилоят солиқ бошқармаси номидан “Nadya Plast Servis” МЧЖнинг солиқ ҳисоботларида 244.370,2 минг сўм тофовут ва хатолар мавжудлиги ҳақидаги 14.04.2023 йилги 01-12959-сонли сохта хабарнома тайёрлаб, пул олиш мақсадида унга тақдим қилганини, шу тариқа У.Ножиллаев томонидан унга тегишли юқоридаги жамиятларнинг 218.988.000 сўм маблағлари талон-торож қилганини, У.Ножиллаев “Rancho MSS” ва “Sabr Trade-MSS” хусусий корхоналарида норасмий ҳисобчи вазифасида ишлаб келганини, унга жамиятларга хизмат кўрсатаётган барча банкларда имзо қўйиш ҳуқуқи берилмаганини, “Nadya Plast Servis” МЧЖга Наманган вилояти солиқ бошқармаси томонидан шу мазмундаги 14.03.2022 йилда 01-12959-сонли жамиятнинг солиқ ҳисоботларида тафовут ва хатолар мавжудлиги аниқланганлиги юзасидан 54.488 853 сўмлик хабарнома жамиятнинг шахсий кобинетига юборилганини, у тасисчилик қилиб келаётган “Nadya Plast Servis” МЧЖ ва бошқа бошқариб келаётган жамиятларда ҳисобчи вазифасида ишлаб келган У.Ножиллаев шу кунга қадар “Асакабанк” АЖ Наманган филиалидан фуқаролар Д.Абдужаббарова, Д.Вохидова, Д.Абдужаббарова, Н.Зияевалар номига банк пластик карталарини расмийлаштириб, жами 125.462.102 сўм пул маблағларини ўтказиб ечиб олганини, бундан ташқари У.Ножиллаев “Rancho MSS” хусусий корхонасидан 11.04.2023 йилда 98.500.000 сўм, 01.05.2023 йилда 30.000.000 сўм пул маблағларини “Туронбанк” Наманган филиалидан нақд пул шаклида олиб кетиб, ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборганини, судланувчи У.Ножиллаев томонидан унга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаш мақсадида Наманган вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 218.988.000 сўм пуллари фуқаровий даъвогар сифатида унга қайтарилишида амалий ёрдам беришни ва судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Ж.Бойдадаев суд мажлисида, 2015 йил март ойидан ҳозирги кунга қадар “Nadya Plast Servis”



МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаб келаётганини, жамият тасисчиси М.Мамадалиев ҳисобланишини, 2020 йил 20 июндан ҳозирга қадар “Rancho MSS” хусусий корхонаси раҳбари, 2019 йил 20 июндан ҳозирга қадар “Sabr Trade-MSS” хусусий корхонаси раҳбари вазифасида М.Мамадалиев ишлаб келаётганини, судланувчи У.Ножиллаев 2020 йил сентябрь ойидан бошлаб “Hadya Plast Servis” МЧЖда ёлланма ҳисобчи вазифасида, “Rancho MSS” хусусий корхонаси ва “Sabr Trade-MSS” хусусий корхоналарида ҳам норасмий бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келганини, ДСИ томонидан ўтказилган текширишда “Rancho MSS” хусусий корхонаси ҳисобчиси У.Ножиллаев “Hadya Plast Servis” МЧЖ ва “Rancho MSS” хусусий корхонаси таъсисчиларининг хабардорлигисиз “Hadya Plast Servis” МЧЖ ҳисоб-рақамидан 01.02.2021 йилдан 07.07.2023 йилга қадар 25.035,1 минг сўм, “Rancho MSS” хусусий корхонаси ҳисоб-рақамидан 42.000,0 минг сўм ҳамда “Sabr Trade-MSS” МЧЖ ҳисоб-рақамидан 23.453,0 минг сўм, жами 90.488,0 минг сўм пул маблағларини ушбу жамиятда ишламайдиган 4 нафар фуқароларнинг банк пластик карталарига иш ҳақи сифатида тушириб, ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборилганлиги аниқланганини, бундан ташқари У.Ножиллаев 2023 йил 11 апрель ва 1 май кунлари “Rancho MSS” хусусий корхонаси таъсисчисининг хабардорлигисиз корхона ҳисоб-рақамидан 128.500,0 минг сўм маблағини нақд пул шаклида олиб, ўзига ишлатиб юборилганлиги аниқланганини, бундан ташқари У.Ножиллаев Наманган вилоят солиқ бошқармаси номидан “Hadya Plast Servis” МЧЖнинг солиқ ҳисоботларида 244.370,2 минг сўм тофовут ва хатолар мавжудлиги ҳақидаги 14.04.2023 йилги 01-12959-сонли сохта хабарнома тайёрлаб, пул олиш мақсадида унга тақдим қилганини, шу тариқа У.Ножиллаев томонидан унга тегишли юқоридаги жамиятларнинг 218.988.000 сўм маблағлари талон-торож қилганини, У.Ножиллаев “Rancho MSS” ва “Sabr Trade-MSS” хусусий корхоналарида норасмий ҳисобчи вазифасида ишлаб келганини, унга жамиятларга хизмат кўрсатаётган барча банкларда имзо қўйиш ҳуқуқи берилмаганини, “Hadya Plast Servis” МЧЖга Наманган вилояти солиқ бошқармаси томонидан шу мазмундаги 14.03.2022 йилда 01-12959-сонли жамиятнинг солиқ ҳисоботларида тафовут ва хатолар мавжудлиги аниқланганлиги юзасидан 54.488 853 сўмлик хабарнома жамиятнинг шахсий кабинетига юборилганини, у тасисчилик қилиб келаётган “Hadya Plast Servis” МЧЖ ва шқа бошқариб келаётган жамиятларда ҳисобчи вазифасида ишлаб келган У.Ножиллаев шу кунга қадар “Асакабанк” АЖ



Наманган филиалидан фуқаролар Д.Абдужаббарова, Д.Воҳидова, Д.Абдужаббарова, Н.Зияевалар номига банк пластик карталарини расмийлаштириб, жами 125.462.102 сўм пул маблағларини ўтказиб ечиб олганини, бундан ташқари У.Ножиллаев “Rancho MSS” хусусий корхонасидан 11.04.2023 йилда 98.500.000 сўм, 01.05.2023 йилда 30.000.000 сўм пул маблағларини “Туронбанк” Наманган филиалидан нақд пул шаклида олиб кетиб, ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборганини, судланувчи У.Ножиллаев томонидан унга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаш мақсадида Наманган вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 218.988.000 сўм пулларни фуқаровий даъвогар сифатида уларга қайтарилишини ва судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрларини, судланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатувларини тинглаб, жинойт иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи У.Ножиллаевнинг жинойтни содир этганликдаги айби терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида тўпланган ҳужжатлар, гувоҳларнинг тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари, “Туронбанк” АТБ Наманган филиалидан У.Ножиллаев ўзининг номига 11.04.2023 йилда №0758655-рақамли нақд пул чекини ёзиб 98.500.000 сўм, 01.05.2023 йилда №0758656-рақамли нақд пул чекини ёзиб 30.000.000 сўм нақд пул маблағларини олиб чиқиб кетганлигини тасдиқловчи нақд пул чеклар, “Rancho MSS” хусусий корхонаси, “Hadya Plast Servis” МЧЖ ҳамда “Sabr Trade-MSS” МЧЖларда ўтказилган ҳужжатли тафтиш далолатномалари ва илова ҳужжатлари, У.Ножиллаев 18.02.2020 йилда ўзини “Rancho MSS” хусусий корхонаси раҳбари этиб тайинлаш ва барча ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқи берилгани ҳақидаги санаси ва рақами ёзилмаган сохта қўлёзма буйруқ нусхаси, “Rancho MSS” хусусий корхонаси, “Hadya Plast Servis” МЧЖ ҳамда “Sabr Trade-MSS” МЧЖларнинг банклардаги юридик йиғма жилдари, У.Ножиллаев Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси номидан “Hadya Plast Servis” МЧЖнинг солиқ ҳисоботларида 244.370,2 минг сўм тофовут ва хатолар мавжудлиги ҳақидаги 14.04.2023 йилдаги 01-12959-сонли сохта хабарномалар ҳамда жинойт ишида тўпланган Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддаси тартибида текширилган ва баҳоланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган деб топади.

Суд, судланувчи У.Ножиллаевнинг жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан, У.Ножиллаевнинг “Rancho MSS” хусусий корхонасида ҳисобчи, “Hadya Plast Servis” МЧЖ ва



“Sabr Trade-MSS” МЧЖларда норасмий ҳисобчи вазифасида ишлаб келиб, ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, “Rancho MSS” хусусий корхонаси, “Hadya Plast Servis” МЧЖ, “Sabr Trade-MSS” МЧЖ раҳбар ва таъсисчиларининг хабардорлигисиз, 01.02.2021 йилдан 07.07.2023 йилга қадар “Hadya Plast Servis” МЧЖ ҳисоб-рақамидан 25.035,1 минг сўм, “Rancho MSS” хусусий корхонаси ҳисоб-рақамидан 42.000,0 минг сўм, “Sabr Trade-MSS” МЧЖ ҳисоб-рақамидан 23.453,0 минг сўм, ўзига ишониб топширилган 90.488,1 минг сўм пул маблағларини ушбу жамиятда ишламайдиган фуқаролар Абдужаббарова Дурдонахон Сирожиддин қизи, Абдужаббарова Дилшода Сирожиддин қизи, Воҳидова Дилфуза Абдугаппаровна ва Зияева Нигора Турдалиевналарнинг номига банк пластик карталарини очишга эришиб, ушбу банк пластик карталарига пул маблағларини иш ҳақи сифатида тушириб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборганликдаги, бундан ташқари “Rancho MSS” хусусий корхонасининг раҳбар ёки таъсисчилари томонидан унга ҳеч қандай бошқарув ҳуқуқи берилмаган бўлсада, 18.02.2020 йилда ўзини мазкур хусусий корхона раҳбари этиб тайинлаб, барча ҳужжатларда имзо қўйиш ҳуқуқи берилгани ҳақидаги санаси ва рақами ёзилмаган кўлёзма буйруқни тайёрлаб, унга сохта маълумотлар киритиб, ўзини хусусий корхона раҳбари сифатида кўрсатиб, уни хусусий корхона муҳри билан тасдиқлаб, мазкур буйруқнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни “Туронбанк” АТБ Наманган филиалига тақдим қилиб, ўзининг номига 11.04.2023 йилда №0758655-рақамли нақд пул чекини ёзиб 98.500.000 сўм, 01.05.2023 йилда №0758656-рақамли нақд пул чекини ёзиб 30.000.000 сўм, жами 128.500.000 сўм нақд пул маблағларини хусусий корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамидан олиб кетиб, ўзига ишониб топширилган ўзганинг жами 218.988.0000 сўм жуда кўп миқдордаги пул маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликдаги, бундан ташқари, “Hadya Plast Servis” МЧЖ таъсисчиси М.Мамадалиевдан пул олиш мақсадида, ўзи фойдаланиш мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси номидан “Hadya Plast Servis” МЧЖнинг солиқ ҳисоботларида 244.370,2 минг сўм тофовут ва хатолар мавжудлиги ҳақидаги 14.04.2023 йилдаги 01-12959-сонли сохта хабарномани тайёрлаб, ушбу расмий ҳужжатни қалбакилаштириб, жамият таъсисчиси М.Мамадалиевга тақдим қилганликда ифодаланган иборат жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон

спубликаси

ЖКнинг

7-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми билан



тўғри, бироқ ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан ортиқча квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларида ҳамда судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи У.Ножиллаев расмий ҳужжат ҳисобланган 18.02.2020 йилдаги ўзини хусусий корхона раҳбари этиб тайинлаш ҳақидаги санаси ва рақами ёзилмаган кўлёзма буйруқни тайёрлаб, унга сохта маълумотлар киритиб, хусусий корхона муҳри билан тасдиқлаб, мазкур буйруқнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни “Туронбанк” АТБ Наманган филиалига тақдим қилиб, ўзининг номига 11.04.2023 йилда №0758655-рақамли нақд пул чекини ёзиб 98.500.000 сўм, 01.05.2023 йилда №0758656-рақамли нақд пул чекини ёзиб 30.000.000 сўм, жами 128.500.000 сўм нақд пул маблағларини хусусий корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамидан олиб чиқиб кетиб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги пул маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган, бундан ташқари, такроран ўзи фойдаланиш мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси номидан “Nadya Plast Servis” МЧЖнинг солиқ ҳисоботларида 244.370,2 минг сўм тофовут ва хатолар мавжудлиги ҳақидаги 14.04.2023 йилдаги 01-12959-сонли сохта хабарномани тайёрлаб, ушбу расмий ҳужжатни қалбакилаштириб, уни “Nadya Plast Servis” МЧЖ таъсисчиси М.Мамадалиевга тақдим қилиб, ундан пул маблағини олишга эришган.

Судланувчи У.Ножиллаевнинг расмий ҳужжат ҳисобланган ҳужжатларни қалбакилаштириб, мазкур қалбаки ҳужжатни банкка ҳамда таъсисчиси М.Мамадалиевга тақдим этиши билан боғлиқ қилмиши ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми диспозициясида назарда тутилган ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳолати билан қамраб олингани, ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан кўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслигини эътиборга олиб, суд У.Ножиллаевнинг айбловидан ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмини чиқаришни лозим деб топади.

Суд, судланувчи У.Ножиллаевга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарарнинг қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, жиноят натижасида етказилган зарарнинг қопланганлигини, фуқаровий даъвогарларнинг унга нисбатан



даъвоси йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан мазкур моддалар санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида унинг қадар қамоқда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб, қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чораси муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, уни дарҳол суд залида қамоқдан озод қилишни лозим топади.

Суд, жиноят оқибатида етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, ҳукм қонуний кучга киргач, Наманган вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 218.988.000 сўм пул маблағини фуқаровий даъвогар М.Мамадалиевга қайтаришни белгилашни, фуқаровий даъвогарларга жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олишни ва уларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарлар бўйича келгусида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Шу билан бирга суд, иш бўйича ёзма далил деб эътироф этилган “Туронбанк” АТБ Наманган филиалидан У.Ножиллаев ўзининг номига 11.04.2023 йилда №0758655-рақамли нақд пул чекини ёзиб 98.500.000 сўм, 01.05.2023 йилда №0758656-рақамли нақд пул чекини ёзиб 30.000.000 сўм нақд пул маблағларини олиб чиқиб кетганлигини тасдиқловчи нақд пул чеклар, “Rancho MSS” хусусий корхонаси, “Hadya Plast Servis” МЧЖ ҳамда “Sabr Trade-MSS” МЧЖларда ўтказилган ҳужжатли тафтиш далолатномалари ва илова ҳужжатлари, У.Ножиллаев 18.02.2020 йилда ўзини “Rancho MSS” хусусий корхонаси раҳбари этиб тайинлаш ва барча ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқи берилгани ҳақидаги санаси ва рақами ёзилмаган сохта кўлёзма буйруқ нусхаси, “Rancho MSS” хусусий корхонаси, “Hadya Plast Servis” МЧЖ ҳамда “Sabr Trade-MSS” МЧЖларнинг банклардаги юридик йиғма жилдари, У.Ножиллаев Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси номидан “Hadya Plast Servis” МЧЖнинг солиқ ҳисоботларида 244.370,2 минг сўм тофовут ва хатолар мавжудлиги ҳақидаги 14.04.2023 йилдаги 01-12959-сонли хта хабарномаларни жиноят иши билан бирга қўшиб қлашни лозим деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Ножиллаев Улугбек Жобирхон ўғлининг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми чиқарилсин.

Судланувчи Ножиллаев Улугбек Жобирхон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ножиллаев Улугбек Жобирхон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ножиллаев Улугбек Жобирхон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

У.Ножиллаевга Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 8 (саккиз) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, У.Ножиллаевнинг 02.11.2023 йилдан 19.01.2024 йилга қадар қамоқда сақланган 79 куннинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегирилиб, Ножиллаев Улугбек Жобирхон ўғлига ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 3 (уч) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Наманган шаҳар ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.



Судланувчи У.Ножиллаевга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чораси муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, у дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин ва муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Наманган вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 218.988.000 (икки юз ўн саккиз миллион тўққиз юз саксон саккиз минг) сўм пуллар фуқаровий даъвогар М.Мамадалиевга қайтарилсин.

Фуқаровий даъвогарлар М.Мамадалиев ва Ж.Бойдадаевларга жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Фуқаровий даъвогарлар ва манфаатдор шахсларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарлар бўйича келгусида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ёзма далил деб эътироф этилган “Туронбанк” АТБ Наманган филиалидан У.Ножиллаев ўзининг номига 11.04.2023 йилда №0758655-рақамли нақд пул чекини ёзиб 98.500.000 сўм, 01.05.2023 йилда №0758656-рақамли нақд пул чекини ёзиб 30.000.000 сўм нақд пул маблағларини олиб чиқиб кетганлигини тасдиқловчи нақд пул чеклари, “Rancho MSS” хусусий корхонаси, “Hadya Plast Servis” МЧЖ ҳамда “Sabr Trade-MSS” МЧЖларда ўтказилган ҳужжатли тафтиш далолатномалари ва илова ҳужжатлари, У.Ножиллаев 18.02.2020 йилда ўзини “Rancho MSS” хусусий корхонаси раҳбари этиб тайинлаш ва барча ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқи берилгани ҳақидаги санаси ва рақами ёзилмаган сохта қўлёзма буйруқ нусхаси, “Rancho MSS” хусусий корхонаси, “Hadya Plast Servis” МЧЖ ҳамда “Sabr Trade-MSS” МЧЖларнинг банклардаги юридик йиғма жилдари, У.Ножиллаев Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси номидан “Hadya Plast Servis” МЧЖнинг солиқ ҳисоботларида 244.370,2 минг сўм тофовут ва хатолар мавжудлиги ҳақидаги 14.04.2023 йилдаги 01-12959-сонли сохта хабарномалар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогарлар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ва прокурор протест киритишга ҳақли.

Раислик қилувчи
Я.Эрматов



Маъсул судья: Эрматов Ярашжон Баратович



Хужжат имзоланган: Эрматов Ярашжон Баратович, 19.02.2024

